

АБ

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ
2021 йил 26-декр. 24 сағ -сон

ЖИБРАЕІ,
Т(Ш)ЭТК номи

“TOSHKENT NETK” АД Жибреі ТЭТК туман (шахар) электр тармоқтары корхонаси (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) таъминоти корхонаси № _____ -сонли Бош инженерома асосида фаолият юритувчи раҳбари (туман(шахар) электр тармоқтары корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.) Т.В.ПРББЧУТ бу (истеъмолчининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Нуроди асосида фаолият юритувчи раҳбари Г. И. Тұхтанов иккинчи (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш) томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали стказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 7998 кВт.с. реактив — кВар.с ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи

450 сўмни, тариф бўйича 8 999 100 сўмни ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

Бюджет ташкилотлари учун: Бюджет маблағлари хисобидан

8 999 100 Сакчиз мешинен тўвғиз юз тубсан тўвғиз шини бирюз сун сўмни ташкил этади. Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан

— сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-оловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий микдори ушбу Шартномага 2-оловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоболари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос стационалари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилдиган

насесс станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

яrim тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга тугри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилинча нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Кибрай туман электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргалиқда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-илювасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисбот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача худудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситарадида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланганхажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган камъ ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргалиқда хисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Бюорога мурожаат

жилтишари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳак тұнағ асосида етказиб берилишиңға йүл күйилади. Олдиндан ҳак тұланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳак тұлаётған истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалға оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқлардан түлік узиншгача бўлған чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тұғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалға оширади ва беш кун ичида түлов амалға ошириш учун ҳисоб-фактура ва түлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлған бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва түлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тұғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақами имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(ACOC: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварак-фактуралардан фойдаланишини таомиллаштириши чоратадибирлари тұғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганды, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлған участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади

Бундэ, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда түловларни амалға оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига түлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар томонидан тўлдирилади)

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тұғрисидаги ҳисботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тұғрисидаги маълумотлар асосида түлов ҳисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги кўйилади.

Кибрай ТЭТК ходими ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиг олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалға оширилади.

3.11. Кибрай ТЭТК ходими истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташкари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиг олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тұғрисида худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил.электрон ёки поча алоқаси орқали тақдим этилган ҳисбот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалға оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиг олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш асбобларининг холати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда

шаклзантирилиши ва идораларо электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) кайта хисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган хар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асоссан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлгандা;

Кибрай ТЭТК ходими талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлashingа ташқаридан араланиш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмолчининг ҳакиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий таџбиркорлик тўғрисида” га ЎРҚ 327-сон Қонуининг 28-моддасига асосан:

Оилавий корхона туар жойдан бир вактнинг ўзида унда истиқомат қилиган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариил, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон карорининг 3-баандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва майший чиқиндилярни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиши. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланадиган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тутагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекция” қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буортманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб

чиқариш эхтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш, иситииш шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеммолчиларнинг эхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниклаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниклаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эхтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиши қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниклаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиши ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуидаги хукуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор килиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш;

Кибрай ТЭТК ходимининг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТГа уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш курилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бонса бузилишлар тўғрисидаги Истельмолчининг ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истельмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истельмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истельмолчига бу ҳакда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истельмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Кибрай ТЭТК ходими билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган заарни қоплашга, “Истельмолчи” эса етказилган ҳақиқий заарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истельмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истельмолчи электр энергияси истельмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истельмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истельмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истельмолчини Кибрай ТЭТК ходими кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажкор) Истельмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажарип жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20~~22~~ йил ~~31~~ 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕММОЛЧИ:

Юридик манзили Тошкент вилояти Кибрай тумани А. Кауфманн 9-й
Хисобрақами 10021860272487073320054001

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобрақами 10021860272487073320054001

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Бюджетдан ташқари фондининг хисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар; 90-522-00-72 Факс;

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзият ёзилади)

Кадастр № 16: 05 : 03 : 02 : 03

Статистик кодлар:

ОКЭД 86220

СООГУ

СОАТО 1727248551

КФС 126

КОПФ 1100

ОКПО 02151743

Тошкент вилояти ижтимоий ризохланниши бузилган
болалар учун ижтисослаштирилган тибдаги болалар уйи
Манзил: Қибрай тумани, А.Қодирий кўчаси 9-й.
П/с

ИНН 202079725 ОКЭД 86220
Уз.Рес. Молия вазирлиги Газначилиги
Р/с 23402000300100001010
МФО 00014 ИНН 201122919
Марказий банк Тошкент шахар ББХКМ

Лар ойнинг 20-санасидан 25-санасигача
Шартноманинг 3.4- бандига асосан
хисобот тақдим этишингиз сўралади,
факс ҳолда мазкур шартноманинг
3.7- бандига асосан хисоб-китоб
амалга оширилниши шарт.

КОРХОНА:

Почта манзили: _____

Хисобрақами: _____ Банк: _____

Банк коди (МФО): _____ СТИР (ИНН): _____ ИФУТ (ОКЭД): _____

Телефонлар: _____

Статистик кодлар:

СООГУ _____

СОАТО _____

Тошкент худуди таддии
"Кибрай тумаки ЭТК"
Факс: Беруний кўча, 27-й
Х/р 2263 6000 4001 2495 8438
АТБ "ЎзСКБ" Тошкент вил. минтақавий ф-л
МФО 00490 СТИР 201221748
ИФУТ 35120

Истеъмолчи:

М. Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.

Корхона:

ж. Ш. Шукоров,

М. Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.

ХУҚУҚШУНОС ҲУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси М. Ў. хуқуқшуноси С. Аюлбеков (И.О.)

Ўз Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли карори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси тўғрисида»ги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартларни юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми хал қилиш тартиби белгиланган.

Хуқуқшунос:
(имзо)

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи II
2. Фаолият турни БЮДЖЕТ
3. "Истельмолчи" электр курилмаларининг уланган қуввати: 75 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 75 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
6. Хисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича	
		БЮДЖЕТ	Чеңгече емес
Йил, жами	<u>19998</u>	<u>19598</u>	<u>8999100</u>
Январ	<u>6666</u>	<u>6666</u>	<u>2999700</u>
Феврал	<u>6666</u>	<u>6666</u>	<u>2999700</u>
Март	<u>6666</u>	<u>6666</u>	<u>2999700</u>
Апрел			
Май			
Июн			
Июл			
Август			
Сентябр			
Октябр			
Ноябр			
Декабр			

Ташкилот кунига фойдаланади 24 соат, ойга 30-31 кун

Умумий юкламага нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I 100, II 100, III 100.



Истельмолчи

Х. И. Туктомухомиров

М.У.

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Корхона

Ж. Ш. Николаев

М.У.

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)


Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (суб“Истеъмолчи”нин г) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копкогидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти	Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткича ри хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
TD-461	ДЕРЖАВИЙ 230	100596072	K5-2	200/3	40	41353	450

Имзолар:

Истеъмолчи:



M.Y.

(ИМЗО)

Корхона:



M.Y.

(ИМЗО)

Электр таъминотининг шартномасига

3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич № 00596072 т/ток 200 к кучланни. — кофициент 40. уланган куввати квт
Хисоблагичдан ўрнатилган манзил; Кибоди шифи - А. Ўедореев 9-уси
шахар, кфий, мфий, кучага уй №

1. Тариф гурухи II Фаолият тури Вирсесор уч.
Трудышил.чиз. Шлакоблок, Гипсит, Пленка шил чиз, Насос, Савдо, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

a) хаво линиялари шук

б) кабель линиялари 0,4 кв.

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № _____, _____ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича

мансублик чегараси ТП-ЧЫ КЕДИЧИ 35/6 Ф-КЕЛГАСА
шук

3. Улардан куйидагиларга:

a) хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан
б) электр усканаларига, ХЛ ва ХЛсига
истеъмолчи томонидан хизмат
кўрсатилиб, жавобгарлик абонент
зиммасига юқланишни

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди:



Истеъмолчи

М.ў.

Корхона

М.ў.

Даен
(имзо)

Даен
(имзо)

Вакиллар:

Ж. М. Гуҳтана ярово
(Ф.И.Ш.)

Ж. М. Чихошев
(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишилари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____ ;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни. ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____ ;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг З.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.Ў. (Имзо)

Корхона:

М.Ў. (Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 ____ йил _____ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «___» 20 ____ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод раками, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаттичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрталабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами													

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган ҳисоб учун назорат раками гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

Истеъмолчи раҳбари

Ф.И.Ш.имзоси

М.У.

Истеъмолчи энергетиги

Ф. И. Ш.имзоси

Корхона вакили

Ф.И.Ш.имзоси

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/п №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиши вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микдоридан келиб чиккан холда аниқланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги микдори истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аниқланади. Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иктисодий киймат микдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффициентининг норматив киймати томонидан қўллаб-куватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техникик нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчилардан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл кўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекция”нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали тармоғидан реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.

Истеъмолчи:



(Имзо)

М.Ў.

Корхона:



(Имзо)

М.Ў.

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қиска муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчириласди. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланниши ва бошқа баҳтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукчи цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтасига, иситиши тизимининг музлаб қолилишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдириласди.

б) Ёнингга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишишган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

M.Ў. (Имзо)

Корхона:

M.Ў. (Имзо)



корхонем

Маджид Муродов. м.